



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 53 (9549).

1989 йил 17 март • жума •

Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 16 март куни КПСС Марказий Комитетининг Пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «КПССнинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида»ги докладини муҳокама қилиш бошланди.

Музокараларда: КПСС Иркутск области комитетининг биринчи секретари В. И. Потапов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, Украина ССРдаги Киров номи колхоз раиси Д. К. Моторний, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. -М. К. Бразаускас, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, ВАСХНИЛ академиги, Украина ССР Фанлар академияси экономика илмий-тадқиқот институтининг директори И. И. Лукинов, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. А. НАЗАРБОВ, КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари Ю. И. Литвинцев, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский, СССР Соғлиқни сақлаш министри Е. И.

Чазов, КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари Н. И. Малков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг раиси А. В. Власов, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари И. С. Болдирев, Тажикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. Маҳмамов, Қозоғистон ССРдаги Омонғелди номи совхоз механизатори Н. В. Геллерт, «Октябрь» журналининг бош редактори А. А. Ананьев, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Гринцов, Ростов областадаги «Путь Ленина» колхозининг механизатори, мураббий — мастери Н. В. Перверзева, СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министри Н. М. Ольшанский, иттифоқ колхозлар кенгашининг раиси, Москва областадаги Владимир Ильич номи колхоз раиси И. И. Кухарь,

ВАСХНИЛ президенти А. А. Никонов сўзга чиқдилар.

Музокараларнинг охирида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қатъий қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари — Владимир Ильич номи Москва электромеханика заводининг йўлувчи — тоқари В. П. Тихомиров, Харьков шахридаги «Малишев номи завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тоқари В. А. Петров, «Мосстрой» лойиҳа-қурилиш бирлашмаси комплекс бригадасининг бошлиғи В. А. Затворницкий, «Ленинград металл заводи» турбинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси йўлувчи слесарларининг бригадир В. С. Чичеров, В. И. Ленин номи Кострома зиғир тола комбинатининг тўқувчиси В. Н. Плетнева, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат — Ленинград области

даги «Детскоельский» совхозининг сабзавоткор бригадир В. Р. Паршина, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси — Кишиневдаги «Зориле» пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси В. С. Одобеску ва бошқа ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Б. Н. Ельциннинг баъзи нутқ ва мақолаларини муҳокама этиб уларга баҳо бериш тўғрисидаги таклифни киритдилар. Уларнинг фикрича, ана шу нутқ ва мақолалар Марказий Комитетининг сиёсий йўл-йўриқларига, партиявий ахлоқ-одобга ва КПССнинг устав нормаларига зиддир.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг аъзоларидан иборат составдаги комиссияга ушбу масалани эътибор билан ўрганиб чиқишни ҳамда ўз хулосаларини КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига маълум қилишни топширишни зарур деб топди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

ЙИҒИЛИШ ҚИЗҒИН БАҲС БИЛАН ЎТДИ



ҲН Тўрт номзоддан уч нафари СССР халқ депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди. Энг кўп овоз олиш баҳсига муассар бўлган бу кишилар қимлар? Марҳамат танишинг: Туркестон ҳарбий округининг «Фрунзевец» газетаси мухбири Владимир Петрович Золотухин, «Таштентцентр» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Ўткир Самгирович Хошимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг етакчи илмий ходими Темура Собирович Юнусов.

599-Тошкент-Қуйб иш е территориял сайлов округидан СССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларини муҳокама қилиш ва уларни рўйхатга олиш бўйича ўтказилган сайловда йиғилиш тортишув ва мунозараларга бой бўлди. Эрталаб соат 10 дан бошланган йиғилишнинг кеч соат 1 да тамом бўлганлигини ўзгича юқоридagi фикримизни исботлаб турибди.

Йиғилиш олиб белилган соатларда аниқ белрилди. Ишчи президиум, раис сайланди. ҲН тўрт номзоднинг ҳар бирига депутатлик фаолияти программасини баён этиш учун ўн минутдан вақт берилди. Қўриб турибсизки, мундта қисқа. Номзод ана шу вақт ичида ўз фикрини,

ўйлаб юрган муаммоларини, сайловчиларни қизиқтирган асосий масалаларни ўртага ташлаб катнашчилар қалбига йўл топиши лозим.

Номзодлар ўз платформаларида баён этишда худди ана шу йўлдан боришди. Йиғилиш ахлининг кўнглидан таъин таъини ҳаракат қилишди. Лекин бир нарсани ўқитиш кераки, уларнинг кўнглини бир хил таклифларни ўртага ташлашди. Айниқса, экология, озиқ-овқат таъминоти, соғлиқни сақлаш, мактабларни ҳозирги замон жиҳозлари билан таъминлаш, пахтачиликдаги монокультура, сув ҳавзаларининг ҳозирги ҳолати масалаларида уларнинг фикрлари бир жойдан чиқди. Баъзи номзодларнинг таклифлари, мулоҳазалари қизгин баҳсларга сабаб бўлди.

Масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги ўсимликлар эксперименталь биологияси институтининг лаборатория мудири М. В. Мухаммаджонов «ресубликамиз социал-иқтисодий ҳолати ҳақидаги бир неча оғиз сўз» учун 10 минут вақтини сарфлади. «ТашЭКС» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Алексей Николаевич Сумбулов эса ўз платформасини баён этишдан олдин шу вақтгача Давлат корхонаси ҳақидаги қонунга амалда рўя қилинмаётганлиги ҳақида узоқ гапирди.

Гап бу ерда ўки бу номзод программасининг бўш ва нореаллиги тўғрисида бораётгани йўқ, албатта. Номзодлар ҳаётимизнинг бариҳа ҳаракат қилишган. Улар доллар масалаларга кўч тўхталди. Айниқса, бу борада Владимир Петрович Золотухин, Ўткир Самгирович Хошимов ва Темура Собирович Юнусовлар тўри йўл туттишган. Шунинг учун ҳам

уларнинг программалари сайловчилар томонидан диққат билан тингланди. Қарсаклар билан бўлиниб турди.

Бошқа номзодларнинг платформалари ҳам диққат билан тингланди. Бироқ улар турғунлик йилларидаги камчиликлар, салбий ҳолатлар ҳақида гапира туриб, уларга қарши қандай чора-тадбирлар кўриш кераклигини конкрет мисолларда очиб беришмади. Шунинг учун ҳам уларнинг сўзлари сайловчиларнинг «Хўш, бу хусусда сиз қандай таклиф кирита olasiz», деган суҳбатлари билан бўлиниб турди.

Номзодлар платформаси учун ажратилган вақт тугади. Навбат савол-жавобга келди. Бироқ ҳар бир номзодга берилган саволлар чегараланмаганлиги, лекин умумий савол-жавоблар учун ҳам аниқ регламент белгиланганлиги учун баъзи номзодларга саволлар ёғилди, баъзилар эса вақт тугаганини сабабли саволларга жавоб бериша олмади қолди.

Номзодлар учун овоз бериш хусусида қизгин баҳс борди. Баъзилар, вақт кеч бўлиб қолди, очик овоз бериш билан чегараланиш керак, деган таклифни кириштирди. Бошқалар эса ёпиқ овоз бериш кераклигини ўқидиришди. Бир қанча мундтагача залда ғала-ғовур давом этди. Йиғилиш президиуми ўзаро келишиб олган, ёпиқ овоз бериш тарафдорларини ёқлади. ҲН тўрт номзоддан тўрттасини рўйхатга олишга қарор қилинди. Лекин ўз номзодини эълан қилиш процентдан ортиқ овозга эга бўлди, сайловда йиғилиш ўзининг биринчи қарорини ўзгариш билан мажбур бўлди. Шундай қилиб, юқорида номлари қайд этилган уч номзод СССР халқ депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

М. КОМИЛЖОНОВ.

ТОШКЕНТ районидagi Ошубоёв номи колхоз деҳқонлари СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига мумкин бўлган қўшимча учун барча резерв ва микрокредитларни самарали фойдаланишга ҳаракат қилишмоқдалар. Суратларда: колхоз бош агрономи И. Абдурахмонов, теплица деҳқонлари М. Эргашева, Г. Жалилова, Т. Толибова ўртоқлар янги ўзинган қарам сифатини кўздан кечирмоқдалар. Қарам узатиш пайти. Баҳор келиши билан дала ишларини қучайтириб юборган Аҳмад Нодирметов бошлик бригада сабзавоткорлари қармоқча экнишни барвақт қилишмоқдалар. Бунда саялақчи И. Эрзаев (чапдан), механизатор Қ. Саиджонев (ўртадан) бригадир А. Нодирметов (ўртадан)нинг хизмати катта бўлаёттир.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
Фотолари.

Ғазалкентликларга хизмат қилади

БЎСТОНЛИҚДА ўтган йили янги ғишт заводи ишга туширилганлиги районда бунёдкорлик ишлари ҳажмининг сезиларли даражада ошириш имконини берди. Ҳозир бу ерда маданий-маиший объект қурилишига катта аҳамият берилмоқда. Бу аҳамият Ғазалкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг Т. Жиянқулов етакчилигидаги қурилиш бригадаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Бинокорлар яқинда биринчи тоштарошлик заводининг ёнгинасида эллик ўринли ошхона, 25 ўринли чойхона ҳамда пишириқлар ва салқин ичимликлар билан савдо қилувчи буфети бўлган овқатланish комплексини қуриб битақдилар. Комплекс давр талабларига мос тарзда безатилган. Чойхона эса миллий усулда янғизланди.

Т. Жиянқулов етакчилигидаги бригада бунёдкорлигида яна бир соғва — район маиший хизмат уйининг янги биносини ҳади этишди. Унда аёллар ва эркеклар сардорхоналари ҳамда якка буюртмалар бўйича кийим-кечаклар тикувчи ателье жой олади. Ҳозир бу ерда зарур асбоб-анжомлар ўрнатилмоқда. Икки объект ҳам яқин кунларда ғазалкентликларга хизмат кўрсата бошлайди.

Ф. ХИСМАТУЛЛИН.



ХУЖАЛИК ҲИСОБИ ШАРОИТЛАРИДА

УНУМДОРЛИК 11,6 ПРОЦЕНТ ЎСДИ

ЎТган йил Олмалик геология-қидирув экспедицияси коллективи учун муваффақиятли бўлди. Барча кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқариш планлари ошириб бажарилди. 1989 йилдан бошлаб эса экспедиция коллективи тўла хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда. Шу муносабат билан жамоатчи муҳбиримиз М. Комилжонев экспедиция бошлиғи Н. Ф. Ешпий билан суҳбатлашиб, коллективда янги иқтисодий шароитларда ишлашга қандай тайёргарлик кўрилганлиги ҳақида гапириб беришни сўради.

— Етти юз нафардан ортиқ ишчи ва инженер-техник ходимини бирлаштирган коллективимиз 1988 йили қувонarli натижалар билан якунлади. — деди Николай Федорович. — Даставвал шулар ҳақида тўхталиб ўтсак. Ишлаб чиқариш плани 112,7 процент қилиб бажарилиб, 890 минг сўм соф фойда олинди. Харажатлар учун ажратилган ҳар бир сўм ўрнига саксон икки тишин сарфланиб, асосий фонддорлиги 1987 йилдагига нисбатан 11,6 процент, ўртача маош эса 9,2 процента ортди. — Бундай натижаларга қандай эришилди? — Коллективимиз асосан ўз касбини пухта билган, тажрибали ходимлардан ташкил топан. Шунинг учун ҳам ўтган йили хўжалик ҳисоби шароитларида ишлашга ўтишдан олдин олиб боришган иқтисодий ўқимизимиз яхши натижалар берди. Илгори иш усулларини қўлайлаштириб бир мунча осонроқ қилди. Барча инженер-техник ходимларнинг аттестациядан ўтказилганлиги ҳам ўзига хос роль ўйнади. Ўтган йилнинг 1 августидан янги тариф ставкалари асосида ишчиларнинг иш ҳақлари 21,7 процента ортди. Моддий манфаатдорлик ошган уларнинг самарадорлиги ҳам кучайди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати иш ҳақининг ўсиш суръатидан юқори бўлди. Бу эса хўжа-

лик ҳисоби шароитларида иш юритишнинг асосий шартларидан биридир.

— Николай Федорович, меҳнаткашлар иқтисодий активлиги ошишида турмуш даражалари яхшиланishi ҳам муҳим роль ўйнади ҳамма маълум. Геологлар ҳақида бу борада қандай ўзгаришлар бўлипти?

— Албатта биз ҳам геологаримизнинг социал-маиший шароитларини яхшилашга ҳар томонлама ҳаракат қилишимиз. Разведчик деб номланган посёлокимизда истиқомат қилувчи бир ярим мингта яқин аҳоли ўз турар-жойларига эга. Бундан ташқари ёшлар ётоқхонаси ҳам мавжуд. Икки юз ўринли болалар богчаси, саксон ўринли ясли, магазин, алоқа бўлими ишлаб турибди. Ишчилар дам олиш кунларини ўзларининг хордиқ зоналарида мароқли ўтказадилар. Геологлар шаҳарчаси йилдан йилга кенгайиб бормоқда.

Ўтган йили 280 квадрат метр уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди. Ўттиз беш минг сўмлик капитал ремонт ишлари амалга оширилди. Бу ишларни ўз қурилиш участкамиз қурувчилари бажардилар. Улар аниқ кунларда юз ўринли клуб қурилишини олиб боришляпти. У 1990 йилдан бошлаб аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

— Янги йилнинг дастлабки ойида қандай ишларингиз бўлди? Иқтисодий усул барча қанчиликларини бартараф қила олди, деб ўйлайсизми?

— Дастлабки натижалар ёмон эмас. Лекин эски касаллик, яъни таъминотдаги узлишлар янги йилнинг дастлабки куниданоқ сезиларли бўлди. У ичимизнинг биз маромда олиб боришга ҳалақит бермоқда. Бизни ёғоч материаллари билан таъминлайдиган Красносарск, Хабаровск корхоналари шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармайдилар. Шунга қарамай коллективимиз кўтаринки руҳ билан ишлаяпти. Чунки уларда бу камчиликларга ҳам вақти билан барҳам берилади, деган ишонч бор.

• Сўраган эдингиз

АВТОБАНК АКЦИОНЕРЛАРИГА «ОКА» АВТОМАШИНАСИ

ОҚҚУРҒОН районининг «Ленинград» колхозига истиқомат қилувчи Абзал Обидов қўшчилар қамчишлоқлари номидан хат йўллаб, мамлакатимизда ташкил этилган янги автобанк қандай вазишни бажарди ва унга қимлар аъзо бўлиши мумкинлиги ҳақида кенгроқ тушунча

беришни сўраган эди. Қуйида газетхон илтимосига кўра шу банк раиси ўринбосари Е. Тузининг «Известия» газетасида шу хусусда эълон қилинган материал билан бафариш таништиришимиз.

— Бизнинг банкимиз Иттифоқимиз кредит системасидаги принцип жиҳатидан янги

муассасадир. У мамлакат автомобил саноатини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Ўз мижозларини билан очик савдо-сотик йўли билан шартномалар асосида муомала қилади.

Автобанк автомобил техникасини самарали ривожлантириш ва ишлаб чиқариш,

халқ истеъмоли молларини тайёрлашни қўпайтириш ҳамда автосервис хизмати кўрсатиш ва шунингдек фан-техника янгиликларини жорий қилишни кенгайтиришга ёрдам қилади.

Мижозларимизга кредит олиш учун узоқ вақт кутишга тўғри келмайди. Биз опе-

ратив ҳаракат қиламиз. Автобанк тулиқ юридик мустақилликка эга. Фақат акционерлар умумий йиғилишининг қарорига қараб иш қиламиз. Таъсис этувчилар кенгаши эса тўққиз кишидан иборат. Кенгашга раис қилиб Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги минис-

трининг ўринбосари В. Новиқ сайланган.

Ўз ихтиёри билан пул ўтказган СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, итти-сослашган банклар (Савдо ва қурилиш банк ҳамда Ташқи иқтисодий банк), СССР Давлат страхованиеси, СССР молия министрлиги, тармоқнинг йирик бирлашма ва корхоналари, шунингдек кооперативлар ҳам сотиб олишлари мумкин. Шунингдек қишлар орасида ҳам қўнғилли асосда тарқатилган облигацияларни чиқариш планлаштирилмоқда. Жумладан,

Таъсис этувчиларнинг йиллик йиғилишлари вақтида бир овоз ҳуқуқини берадиган битта таъсис акциясининг нархи — 200 минг сўм туради.

Автобанк эркин сотувга даълат корхоналари ва ташкилотларидан тарқатилган оддий акциялар ҳам чиқаради. Уларни қўнғилли жамиятлар ва бошқа турли кооперативлар ҳам сотиб олишлари мумкин. Шунингдек қишлар орасида ҳам қўнғилли асосда тарқатилган облигацияларни чиқариш планлаштирилмоқда. Жумладан,

уларнинг истакларини қондириш мақсадида ҳозир Елабугада завод қуриш учун заём чиқариш мўлжалланяпти. Уни олган киши биринчи навбатда «Ока» енгил автомашинасини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банк корхона ва кооперативлардан ташқари, масалан автотехникага эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ва автосервис билан боғлиқ бўлган янги тартибда меҳнат фойли билан шуғулланувчиларга ҳам кредит беради.

(«Известия» дан).

Хотин-қизлар клубларида

«МУҲАББАТ — ОИЛА НЕГИЗИ»

Пойтахтимиздаги Акмал Икромов районига қарашли «Чевар» тивувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Садоқат» хотин-қизлар клубида «Муҳаббат — оила негизи» мавзусида дастлабки машғулот ўтказилди. Муҳаббат ва оила мавзусидаги кўрик-курс давомида қизлар баҳси, мушоира, қўшиқ, рақс, интермедия ва халқ оғзаки ижоди намуналаридан ижро этилди, жонли мулоқот бўлиб ўтди.

Мазкур кечада Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати, республика Актерлар уйининг директори Насиба Усмонова, Тошкент области Ленин комсомол мукофоти

лауреати, танқиди хонанда Хожияб Каримова ва Турғун Бекназаров ҳамда район маданият уйининг «Дурдона» ансамбли, «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Нилуфар» вокал-хор гуҳари қизларнинг ҳам кеча қатнашчилари қизини қутиб олишди.

ли мукофотининг лауреати Муҳаббат Каримова ва Турғун Бекназаров ҳамда район маданият уйининг «Дурдона» ансамбли, «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Нилуфар» вокал-хор гуҳари қизларнинг ҳам кеча қатнашчилари қизини қутиб олишди.

Н. МИРЗАМАХМУДОВ.

Социал масалалар бўлимида: шаҳар пассажир транспорти хизмати ҳақида

«ШАҲАР пассажир транспорти қанон тартибга тушади» сиклари саволларини ҳар қадамда — кўча-куйда, суҳбатлар орасида эшитиш мумкин. Шу мазмунда редакцияга келатган хат-хабарларнинг кети узилмайди. Иккони борича бу хатларнинг барчасини газета саҳифасида босиб чиқарялми. Бу сафар эса биз — рейд қатнашчилари ҳамшаҳарларимиз билан жонли мулоқотда бўлдик. Улар шаҳар пассажир транспорти ишидаги жиддий камчиликлар ҳақида куйиний гапирдилар ва шу билан баробар ишни ахшиллаш борасида конкрет таклифларни ўртага ташладилар.

Юнусобод массиви томон кетяверида тўхтайдиган Олой бозори бекати. Соат 19.00. Бекатда айни тўполон пайт, хизматдан ҳориб чиққан ҳамшаҳарларимиз уйга шошиладилар. Биринчи суҳбатдошимиз Мавлуда Асатуллаева.

— Бекатга келганимга 10 минут бўлди. Умуман Юнусобод массивига катаядиган автобуслар бир маромда юрмайди. Мен массивнинг 13 қаватига истикомат қилмаман. Ишдан чиқиб «Коммунистик» автостанциясидан 92-автобус билан манзилимга етиб олсам бўлади, бироқ бу автобус жуда кам бўлади. Шунинг учун автобусдан автобуска ўтиб юришга тўғри келади. Бу ерга 156-автобусда келиб олдим. Энди 67-экспресс автобусини кутиб турибман. Агар 92-автобус яхши юрганда «Коммунистик» автостанциясидан ўтирган бўлардим, 20 февраль кун 13-қаватдаги 67-экспресс автобусини соат 9 дан роса ярим соат кутдим.

Суҳбатимизга Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номига тиклаш ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими Л. В. Алеева қўшилди. — Мен ҳар кун 67-экспресс автобуси маршрути хизматидан фойдаланаман. Гапнинг ичидолисини айтганда, бу маршрутнинг иши мени қониқтирмайди. Доми тикилиши, доми уни кўп кутиб қолишга тўғри келади. Айниқса, унинг ижара пуаратига ўтгандан кейин ҳайдовчилари янада қўлпошлайди кетишди, орқа эчкини мутлақо очинмайди, қўлимизда би-лет туриб эчкини очини илтимос қилсан, ҳақоратлашади. Яна бир муаммо: бирлашма-мида иш кун эрталаб соат 7 дан бошланади. Маълумки, эрталаб ҳам автобуслар кам бўлади, бунинг устига Юнусободдан келатдиган автобуслар Олой бозори олдига тўхтайдилар, орқага қайтишга 10 минут вақт кетади. Кундуз кунлари бил-лимайди, эрталаб бекатнинг узоклиги анча ланб беради. Шунинг учун ҳеч бўлмаса эрталаб автобусларини бирлашма-мида тўхтайдиган қилиш-са...

— Мен 1-босмаҳонада иш-дейман, — дейди Малика Ха-кимова, — Ишмиз соат 7 ярим-да бошланади. Мен 19-қават-дан ишга бир ярим соатда бораман, янги уйдан соат 6 да чиқаман. Бизнинг қаватдаги катаядиган 96-автобуснинг интервал билан юрганини эс-

лашмайман. Шунинг учун 3—4 та автобусдан автобуска сак-раб юришга мажбурман. Одамлар билан суҳбатлашиб, бир йўла 67-экспресс автобуси ишини ҳам назорат қиламиз. 25 минут деганда бекатга дав-лат номери 95—51 ТНА бўлган автобус қайналади. Ҳайдовчи Ахадилло Бакаевдан бунинг сабабини сўраймиз.

— Бекатга ҳар саккиз ми-нутда келишимиз керак, мен-дан олдинги 60—86 номерли автобуснинг ғидарига бўшаб ярим йўлда қолиб кетди.

Одатда бекатларда автобус-ларнинг иш соати қанча бош-ланиб, қанча тугаши, улар қайси соатларда қанча интер-вал билан юриши тўғрисидаги маълумот бўлиши керак.

овози эшитилди. Шундай дея ўзини таништирган 4-автопарк ҳайдовчилари — Пулат Қоси-мов ва Турсун Фозиловлар ба-рарарига дардларини айта ке-тишди.

— Маршрутга чиққан кун-миз икки маҳал оқатилишга тўғри келади. Овқат маҳали-миз бу автостанцияга тўғри келиб қолса нима қиларимиз-ни билмай у ёқдан — бу ёққа чиқиб қоламиз. Негаки, автос-танцияда ҳайдовчиларга мут-лақ шероит йўқ, дам олиш хо-наси у ёқда турсин, ҳатто кўл ювишга водопровод суви, ошхона йўқ. Овқат қидириб 10—15 километр юришга тўғ-ри келади, бу кимга фойда-ю, кимга зарар!

Дарҳақиқат, автостанция рух таски келавермаганидан кейин 64-экспресс автобусида бу ерга келдим. Энди 44-автобус билан ярим йўлни бо-сиб, кейин бошқасига ўтира-ман. Узим унча қийнаймайман-ку, боламга оғир бўлапти. Агар шаҳар транспорти бир маромда юриб турса, кийин-чиликлар ҳам билинмай ке-тарди.

Автостанциянинг навбатчи диспетчери Ф. Ҳамитова ке-чурун соат 8 дан кейин авто-бусларнинг қанча йўлга қол-иб қолганини куйидагича тушун-тирди.

— Ҳайдовчиларнинг кўпи бир смена ишлайдилар. Шун-дан кейин маршрутларда на-вбатчи автобуслар қолади. Ма-

сизлиги Советида муҳокама қилинган. Улардан 9 нафарига ҳайфсан, 3 нафарига қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган. Бир ҳайдовчи эса бир йилга кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказил-ди.

— Биз рейд давомида пас-сажирларнинг автобусларнинг ижара пуаратига ўтиб ишла-шидан норози бўлатганлари ҳақидаги гап-сузларини ҳам эшитдик. Шу ҳақда фикри-ни билмоқчи эдик.

— Февраль ойидан 11, 43, 116-экспресс автобуси маршрут-лари ижара пуаратига ишла-моқда. Абонементликларга киз-мат қилиш даврида автобус хизматидан фойдаланган ярим пассажирлар билан эшик яори-ди. Шу ўринда бир мисол ке-тирамиз. Февраль ойининг 21 кунинда 28 та маршрутли ав-тобусларга 67 минг сўмлик абонемент ва ойлик қарточка-лар сотилди. Шу муддатда уч-та ижарачи маршрутли авто-бусимиз 49 минг сўмлик би-лет сотди.

— Ижарага ўтиб ишлаш ав-токорхонага фойда экан, орқа эчкиларнинг очилмаслигидан, асаб бузилишлардан пассажир-лар норози.

— Биз ижарага ўтиш учун қийин ойнаётган кўрдик. Ҳайдовчилар билан ҳар учра-шувимизда инфофонлар орқа-ли автобуснинг ижара пуар-тида ишлаётгани, унинг афзал-ликлари, билет олишни унут-маслик ҳақида эълон, тушунти-риш олиб боришларини тайин-лаймиз. Шунинг учун февраль ойида ижарачи-автобуслардан бирорта шикоят тушгани йўқ.

Уша кун ГИИ ҳодимлари автопаркнинг 23 та автобусини танлаб техник кўрувдан ўтказ-дилар. Шулардан 6 таси мут-лақо носоз чиқиб, ундан фой-даланиш мақсадида мувофиқ эмас деб топилди, 7 автобус атмосферари бўлганлиги, 5 таси руль бошқарувидида но-созлиги, 4 та автобуснинг спи-дометри ишламагани учун уларни ҳаракатдан тўхатишга мажбур бўлишди.

Сирасини айтганда, биз рейд давомида ҳамшаҳарларимиз-нинг пассажир транспортдан ҳамон норози эканликлари, уларнинг қановат ҳамон бир маромга қўйилмаганининг гувоҳи бўлдик. 3-автопарк ки-солида эса ижара пуаратининг афзаллиги билан бирга, пас-сажир ташинида носоз автобус-лардан фойдаланганликлари билан танишдик. Биз ша-ҳар пассажир транспорти бир-лашмасига ҳамшаҳарларимиз номидан ҳақли эътироз бил-диришмоқчимиз: шаҳар пассажир транспортининг иши қанча ях-шиланади? Бекатларда сар-ғайиб автобус қутиларига чек қўйилмайдими?

— Интизомсиз, қондабузар ҳайдовчиларга шавқат қилмай-миз, — дейди автопарк дирек-тори Охунжон Исмоилов, — Йил бошидан бери пассажир-лар томонидан ўн та шикоят тушди. Шикоятни текшириш натижасида ҳайдовчилардан Кенжабоев, Илхомов, Махму-дов, Убаев, Шукуровларнинг маршрутдан чиқиб кетганли-клари ва ёзилган шикоятлар-нинг ўринли эканлиги аниқлан-ди. Биз уларнинг барчасини ойлик мукофотдан маҳрум эт-дик. Йўл ҳаракати қондалари-ни бузувчиларга нисбатан қат-тиқроқ чора белгиланган. Бу йил 15 нафар қондабузар ҳай-довчиларимиз ҳаракат хавф-

салан, ҳозир 13-маршрутли ав-тобусдан 5 та, 64-экспресс маршрутли автобусдан 7 та си хизматда.

— Ҳозир бизга 53-автобус-нинг ярим соатдан бери ке-лмаганини айтишди.

— Тўғри, — деди иккинчи диспетчер Л. Ш. Емельяненко, — бүгун 53-маршрутда бор-йўл 5 та автобус ишлади. Ке-чурун 3 та навбатчи-автобус қол-иши керак эди. Улардан битта ҳайдовчининг тоби қо-чиб гаражга кириб кетди, ҳо-зир биттаси оқатилишга кет-ди, биттаси аҳоли хизматида.

Биз диспетчерлар ишдан ҳам норози бўлдик. Чунки улар 53-автобусни қўпайтириш ҳақида қайғурмай, «статистик маълумотлар» йиғи билан шу-ғулланишди, холос...

Интизомсиз ҳайдовчиларга автопарк раҳбарлари қандай чора кўради? Шу саволга жа-воб ахтариб биз пойтахтимиз-да 3-автобус паркида бўл-дик.

— Интизомсиз, қондабузар ҳайдовчиларга шавқат қилмай-миз, — дейди автопарк дирек-тори Охунжон Исмоилов, — Йил бошидан бери пассажир-лар томонидан ўн та шикоят тушди. Шикоятни текшириш натижасида ҳайдовчилардан Кенжабоев, Илхомов, Махму-дов, Убаев, Шукуровларнинг маршрутдан чиқиб кетганли-клари ва ёзилган шикоятлар-нинг ўринли эканлиги аниқлан-ди. Биз уларнинг барчасини ойлик мукофотдан маҳрум эт-дик. Йўл ҳаракати қондалари-ни бузувчиларга нисбатан қат-тиқроқ чора белгиланган. Бу йил 15 нафар қондабузар ҳай-довчиларимиз ҳаракат хавф-

И. РАҲИМОВ, Тошкент шаҳар Давлат ав-тобил инспекцияси хо-дими, милиция капитани.

Р. АЗИМОВ, область комсомол комите-ти «Комсомол проекто-рия» раиси.

А. ҒУЛОМОВ, «Тошкент ҳақиқатининг махсус мухбири.

И. АХМЕДОВ.

26 МАРТ — СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

АҲОЛИ ОРАСИДА

СССР халқ депутатлари сайлови яқинлашган сари пойтахтнинг Киров районидаги сайлов участкаларига қа-рашли ўнлаб мактаб бинола-рига жойлашган ахборот-про-паганда марказларида омма ўртасида сайлов олди ишла-ри қизин паллага кирмоқ-да. 70-ўрта мактаб биносига жойлашган 69/122 сайлов участкаси қошидаги ахборот-пропаганда марказига еш коммунист Гулҳеҳра Исаева бошчилик қилмоқда. Ахбо-рот-пропаганда марказига 22 тажрибали ўқитувчи бирик-тирилган. Улар Н. Обидова, Энгельс, Хурматли, Х. Эрга-шев, Грызодубов каби кўча-лардаги сайловчилар ҳузу-рида бўлиб, бу йилги сайлов тартибиди ўзгартишлар ҳа-қида гапириб бermoқдалар.

Райондаги 105-мактабда жойлашган 65/116, 239-мак-табда жойлашган 113/62 сай-лов участкаларида ҳам таж-рибали агитатор-пропагандист ўқитувчилар сайловчиларга янги сайлов системасини ту-шунтирмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

МЕБЕЛСОЗЛАР ФИРМА МАГАЗИНИ

Олмалиқ шаҳрида ижара пуаратига асосида иш юритаёт-ган корхоналарда пандан таш-қари ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сўт маҳсулотларини реализация қилувчи фирма ма-гезини очилди. Олмалиқ ме-бел комбинати маблагига қу-рилган ушбу савдо шахобчаси комбинат территориясида жой-лашган бўлиб, корхона меҳ-наткашларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган.

Ушбу шундай магазин ша-ҳардаги рух заводида ҳам фо-лият кўрсата бошлади. Гилам фабрикаси ҳамда рўзгор ки-миysi заводи коллективлари ҳам яқин кунларда ана шундай савдо шахобчаларини барпо этишга аҳд қилишган. Мазкур магазинларда асосий махсулот-лардан ташқари ёрдамчи кў-жалликларда етиштирилаётган махсулотлар билан ҳам савдо қилинади.

А. ШЕРОВ.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МАВЗУДА

Антренадаги санитария-маориф уйининг бош врач-и Собиржон Иброҳимов шаҳар саноат корхоналари, қури-лишлар, олий ўқув юртлари ва мактабларда тез-тез бў-либ туради. Унинг ташаббу-си билан ичкиликка қарши олуш, жинсийнинг олдини олиш, меъданида оид наза-қалар қийрилиб аҳоли ўр-тасида кеңг пропаганда қи-линади ва қизиқарли кеча-лар ўтказиб турилади.

Ана шундай кечалардан бири яқинда «Геолог» мада-ният саройида бўлиб ўтди. Унда шаҳар прокурори Г. Вухоров, ички ишлари бўли-ми бошлигининг ўринбосари Д. Шарофутдинов, халқ судьяси А. Қодиров, нарко-логия диспансерининг бош врач-и А. Лашиневлар қат-нашди. Кеча иштирокчилари кўпчиликини қизқирган са-волларга жавоб қайтардилар.

Бундай савол-жавоб кеча-лари шаҳардаги «Ўзбекрез-нотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси заводида ҳамда олий ўқув юртларида бўли-б ўтди.

И. АХМЕДОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги М. Қориевнинг номи ўзбек давлат филармонияси В. И. ЛЕНИН НОМИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИНИДА

26 МАРТ СОАТ 19.30 ДА Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист ОЛМАХОН ХАМИТОВА

КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАНИ — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист ОТАМУРОД БЕКЖОНОВ олиб боради. Билетлар соат 14.00 дан бошлаб СССР Халқлари дустлиги саройи кассаларида сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20—21 МАРТ СОАТ 19.30 ДА «СССР — БИЗНИНГ УМУМИЙ УЙИМИЗ» «КАРВОН ЙУЛЛАРИ»

хайрия концерт-аукциони

ИЖРО ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артисти БОБОМУРОД ХАМДАМОВ, Бутуниттифок «ЯНГИ ОВОЗЛАР» радио-конкурсининг лауреати ЮЛДУЗ УСМОНОВА.

Москва артистлари ва Ўзбекистон халқ-бадий ҳавас-корлик коллективлари иштирокида катта халқ-цирк про-граммаси.

Концерт-аукциондан тушган маблағ табиий офатдан жафр кўрган Тошкент фондида ўтказилади. Олдиндан билетлар сотиш кассаси очил.

Коллектив-ва ҳарбий тушун учун буюртмалар қабул қи-линади.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларнинг буюртма-лари навбатдан ташқари қабул қилинади.

Касса дам олиш кунисига соат 10 дан 20.00 гача иш-лайди.

Сўрашқалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ

МАРТ ОНИДА

«ЙЎҚОЛСИН ИЧКИЛИКБОЗЛИК!»

шнори остида ТЕМАТИК ФИЛЬМЛАР НАМОИШИНИ ЎТКАЗАДИ

ЧИРЧИК ШАҲРИ, «НАВОИЙ» КИНОТЕАТРИДА

17 марта — ДУСТ.

18—19 марта — ЎЗ ХОҲИШИГА ҚУРА СЕВИБ ҚОЛГАН.

ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ, «БЎСТОН» КИНОТЕАТРИДА

17 марта — ОПКОК ШУДРИНГЛАР.

ҚИБРАЙ ПОСЕЛКАСИ, «СОЮЗ» КИНОТЕАТРИДА

17 марта — КУПША-КУНДУЗ КУНИ.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ, «ПОБЕДА» КИНОТЕАТРИДА

17 марта — ЮЗМА-ЮЗ.

18—19 марта — КУПФАТ.

КЕЛЕС ШАҲРИ, «СПУТНИК» КИНОТЕАТРИДА

17 марта — АФОНЯ.

18—19 марта — ЕЛҒИЗ АЕЛ ТАНИШИШНИ ХОҲ-ЛАЙДИ.

ОЛМАЛИК ШАҲРИ, «ОЛМАЛИК» КИНОТЕАТРИДА

17—18 марта — НАВКАР.

ПАРКЕНТ ШАҲРИ, «БАҲОР» КИНОТЕАТРИДА

17—18 марта — КУЛФАТ.

БЕКОБОД ШАҲРИ, «ЎЗБЕКИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

17—18 марта — МАРКИЗ УЧУН БУНИТУРҒУ.

АНГРЕН ШАҲРИ, «АНГРЕН» КИНОТЕАТРИДА

17—18 марта — НАВКАР.

ОҲАНГАР ШАҲРИ, «ВАСКОД» КИНОТЕАТРИДА

17—18 марта — ДАДЛИК УЧУН ЮЗ ГРАММ.

ЯНГИВОЗ ШАҲРИ, «ПОСЕЛКАСИ»

17—18 марта — НАВКАР.

БЎКА ШАҲРИ, «ОКТАБРЬ 50 ИЛЛИГИ»

17—18 марта — НАВКАР.

ХУЖАКЛИ ФИЛЬМЛАР:

17, 18 МАРТДА

ҚИБРАЙ ПОСЕЛКАСИ, «СОЮЗ» КИНОТЕАТРИДА

СОХИБНАМОЛ: ХУРОЗНИНГ УЧИНЧИ ҚИЧҚИРИГИ.

ЧИРЧИК ШАҲРИ, «НАВОИЙ» КИНОТЕАТРИДА

ИЧКИЛИКБОЗЛИК — ШАХСИЯ ИШ ЭМАС: КУЛАШ.

ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ, «БЎСТОН» КИНОТЕАТРИДА

ЭНГ АЧЧИК ВОШ ОҒРИГИ: ПИЧОК ТИГИ БУЙЛАБ.

БЕКОБОД ШАҲРИ, «ЎЗБЕКИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

КУЛАШ: ЗАНГ

ЗАФАР ПОСЕЛКАСИ, «НОДИРА» КИНОТЕАТРИДА

ЎЗГА САЙБАРАКНИНГ ҚАЙТИШИ: ВОШ ОҒРИГИ

ВАСВАСАСИ

БЎКА ШАҲРИ, «ОКТАБРЬ 50 ИЛЛИГИ»

КИНОТЕАТРИДА

МАРОМ: ҒАҚАТ ҚУЙИГА ЭЛТУВЧИ ЙУЛ.

ОЛМАЛИК ШАҲРИ, «КОСМОС» КИНОТЕАТРИДА

КУЛАШ БУРЧАГИ: ХАММАГА ШАРМАНДА.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ, «ПОБЕДА» КИНОТЕАТРИДА

МАРҲУМЛАР ҲАҚИДА ЕМОН СЎЗ АЙТИЛМАЙДИ:

УЛАР БИЗГА БОҚИБ ТУРИШИБДИ.

АНГРЕН ШАҲРИ, «ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

ЖИНОЯТ: АЛГОГОЛИЗМ — ВУ КАСАЛЛИК.

НАРИМАНОВ ШАҲРИ, «ВОКУ» КИНОТЕАТРИДА

МУНОСАБАТ: ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ТРАВМАТИЗМ.

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРГА

кислотали электролит, трансформатор ёғи, дистил-ланган сув анализин ва ер-ости сувлари таркибиди қора металл аниқлаш, шу-нингдек, дайди тоқлар таъ-сирини контроль қилиш бў-йича

ЎЗ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТАДИ

Адрес: 700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон про-спекти, 93 «а» уй. Телефон-лар: 32-83-37, 32-84-96.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Мелиора-ция ва сув хўжалиги давлат комитетининг

ҚУРИЛАТГАН 16-КОРХОНАСИ (ОДСП-16)-НИНГ БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЈАСИ ТУГАТИЛДИ.

Даволар эълон қилдан кундан бошлаб бир ой мо-байнида қуйидаги адресда қабул қилинади: